



20 24_yil “ 9 ” fevral № 80

Navoiy sh.

BUYRUQ

“НКМК” АЖ фаолиятида очиқ эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни ахборот ресурсларида жойлаштириш ва янгилаб бориш тартибини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-396-сон Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

Б У Ю Р А М А Н:

1. “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти (*кейинги ўринларда - Комбинат*) фаолиятига оид очиқ эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар, уларни янгилаб бориш муддатлари ва масъул ижрочилар рўйхати (*кейинги ўринларда - Рўйхат*) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Рўйхатга киритилган маълумотларни расмий веб-сайт, Очиқ маълумотлар портали ва бошқа ахборот ресурсларига жойлаштиришнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

очиқ эълон қилиниши лозим бўлган ҳар бир маълумот масъул таркибий тузилма томонидан белгиланган шаклда, сифатли ва тўлиқ шакллантириб, электрон шаклда Жамоатчилик билан алоқалар департаменти (**Раупов**)га тақдим этиш;

Жамоатчилик билан алоқалар департаментига тақдим этилган барча маълумотлар шу куннинг ўзида масъул таркибий тузилма томонидан “edo.ijro.uz” тизимига киритиб бориш;

Тақдим этилган маълумотлар Жамоатчилик билан алоқалар департаменти (**Раупов**) томонидан Комбинат расмий веб-сайти ва бошқа ахборот ресурсларида, Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси (**Давлатов**) томонидан Очиқ маълумотлар порталида белгиланган формат ва ўлчамларда жойлаштириш.

3. Масъул таркибий тузилмалар томонидан Рўйхатда келтирилган маълумотлар Жамоатчилик билан алоқалар департаментига Рўйхатда кўрсатилган муддатларда тақдим этилсин.

4. Комбинат фаолиятига оид очиқ эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларнинг намунавий шакллари **2-14-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Расмий веб-сайт, Очиқ маълумотлар портали ва бошқа ахборот ресурсларини юритиш, маълумотларни очиқликни таъминлашга оид қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартиб-таомиллар асосида (веб-манзил, формат, ўлчам, шакл ва бошқа талаблар) жойлаштириш (эълон қилиш) ҳамда даврий янгилаб боришга Жамоатчилик билан алоқалар департаменти (**Раупов**) ҳамда Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси (**Давлатов**) масъул эканлиги қайд этилсин.

6. Рўйхатда кўрсатилган очиқ маълумотлар ишлаб чиқилишига масъул этиб белгиланган таркибий тузилма раҳбар ва ходимлари уларни қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳажмда, сифатли ва тўлиқ шакллантириш ҳамда Жамоатчилик билан алоқалар департаментига ўз вақтида тақдим этилишига масъул ва шахсий жавобгар этиб белгилансин.

7. Маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаган ёки нотўғри маълумот тақдим қилган таркибий тузилма раҳбар ва ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

8. Жамоатчилик билан алоқалар департаменти (**Раупов**), Комплаенс хизмати (**Авезов**):

Комбинатнинг очиқликни таъминлаш тизимини доимий мувофиқлаштириб борсин;

таҳлиллар ва кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида расмий веб-сайтда очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларнинг кўламини кенгайтириш, сифатини ошириш ва долзарблигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ҳамда уларни амалга ошириш чораларини кўрсин;

Комбинат фаолиятига оид очиқ маълумотлар ишлаб чиқилишига масъул этиб белгиланган таркибий тузилмалар томонидан маълумотларни

Жамоатчилик билан алоқалар департаментига тақдим этиш тартибининг бузилиши ҳолатлари ҳақида муносабат билдириш юзасидан раҳбариятга ўз вақтида таклифларни киритиб борсин.

9. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш Жамоатчилик билан алоқалар бўйича директор Х.Р.Раупов ва Комплаенс хизмати бошлиғи Р.Ф.Авезовга юклансин.

**Бошқарув раиси –
Бош директор**



Қ.С. Санақулов

**“НКМК” АЖ фаолиятига оид очик эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар,
уларни янгилаб бориш муддатлари ва масъул ижрочилар**

РЎЙХАТИ

№	Эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар тоифаси	Маълумот жойлаштириладиган ахборот ресурслари	Тақдим этиш ва янгилаб бориш муддати*	Ишлаб чиқиш ва эълон қилиш учун масъуллар*	Ижро этилиши устидан назоратини таъминлашга масъул
1	<p>Ўз фаолиятига оид ҳисобот (<i>давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно</i>)ларни эълон қилиш. (2-илова шаклида)</p> <p>Ўз фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар бериш (<i>ахборот ресурсларида эълон қилиш</i>). (2-илова шаклида)</p> <p>Ўз фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинишига оид ўтказилган матбуот анжуманлари ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш. (2-илова шаклида)</p>	<p>Расмий веб-сайт</p> <p>Расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар</p> <p>Расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар</p>	<p>Ҳар йили 1 мартга қадар</p> <p>Ҳар йили 10 мартга қадар</p> <p>Ҳар йили 1 апрелга қадар</p>	<p>С.Муртазаев Х.Раупов Р.Авезов</p> <p>Х.Раупов</p> <p>Х.Раупов</p>	<p>Қ.Тапаров Х.Раупов Р.Авезов</p> <p>Қ.Тапаров Х.Раупов Р.Авезов</p> <p>Қ.Тапаров Х.Раупов Р.Авезов</p>
2	<p>Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (<i>ишлар, хизматлар</i>)ни эълон қилиш. (3, 4-иловалар шаклида)</p>	<p>Очик маълумотлар портали, расмий веб-сайт</p>	<p>ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 10 санасига қадар</p>	<p>М.Амонов Х.Раупов</p>	<p>М.Амонов Х.Раупов Р.Авезов</p>
3	<p>Мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатларини (<i>хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар</i> (<i>давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно</i>)) эълон қилиш. (5, 6, 7-иловалар шаклида)</p>	<p>Очик маълумотлар портали, расмий веб-сайт</p>	<p>ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 25 санасига қадар</p>	<p>Ж.Новикова Х.Раупов</p>	<p>Ж.Хасанов Х.Раупов Р.Авезов</p>

4	Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига харид қилиниши режалаштирилган товарлар (<i>ишлар, хизматлар</i>) тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш (<i>харид эълон қилинишидан камида 6 ой олдин</i>). (8-илова шаклида)	Расмий веб-сайт	Доимий равишда (<i>бир суткадан кечиктирмай</i>)	М.Амонов Х.Раупов	М.Амонов Х.Раупов Р.Авезов
5	Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган харид комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақидаги қарор ҳамда комиссия аъзоларининг маълумотларини эълон қилиш (<i>фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими</i>).	Расмий веб-сайт	Доимий равишда (<i>бир суткадан кечиктирмай</i>)	М.Амонов Х.Раупов	Ж.Хасанов Х.Раупов Р.Авезов
6	“НКМК” АЖ тасарруфидаги хизмат автототранспорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар, қурилиши тугалланмаган объектлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. (<i>тезкор-қидирув, ҳарбий ва бошқа махсус хизматларда фойдаланиладиган ашёлар бундан мустасно</i>). (9, 10-иловалар шаклида)	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт	Чораклик маълумотлар кейинги ойнинг 25 санасига қадар , йиллик маълумотлар 15 февралга қадар	Р.Эргашев Ж.Новикова М.Алқаров Х.Раупов	Ж.Хасанов Х.Раупов Р.Авезов
7	“НКМК” АЖ ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (<i>телефон, почта ва электрон манзиллари</i>) ҳамда жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалаларни эълон қилиш. (11, 12-иловалар шаклида)	Расмий веб-сайт	ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 10 санасига қадар	Х.Раупов	Қ.Тапаров Х.Раупов Р.Авезов
8	Давлат бюджети, шунингдек, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар, шу жумладан истиқболли инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари бўйича уларнинг асосий техник кўрсаткичлари ва бошқа лойиҳа ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. (13-илова шаклида)	Расмий веб-сайт	ҳар олти ой якунидан кейинги ойнинг 15 санасига қадар	Н.Рузиев М.Алқаров Х.Раупов	Ф.Бахронов Х.Раупов Р.Авезов

9	“НКМК” АЖда давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларини белгиловчи харид комиссиясининг ички идоравий тартибини эълон қилиш. (низом, регламент, йўриқнома ёки бошқа ички идоравий ҳужжат).	Расмий веб-сайт	ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 10 санасига қадар	М.Амонов Х.Раупов	М.Амонов Х.Раупов Р.Авезов
10	Бўш иш ўринлари (марказий, ҳудудий ва тизим ташкилотларида), ишга қабул қилиш шартлари, номзодларга қўйиладиган талаблар ва тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. (14-илова шаклида)	Расмий веб-сайт	ҳар ой якунидан кейинги ойнинг 5 санасига қадар	О.Рахматов Х.Раупов	Қ.Тапаров Х.Раупов Р.Авезов

* Мазкур илованинг тўртинчи устунда кўрсатилган муддатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6247-сон Фармонида белгиланган муддатлар бўлиб, маълумотлар ушбу муддатларга мутаносиб равишда тегишли ахборот ресурсларида эълон қилиниши (жойлаштирилиши) лозим. Очiq маълумотларни ишлаб чиқишга масъул тузилмалар томонидан белгиланган маълумотларни буйруқнинг **3-бандида** кўрсатилган муддатларда Жамоатчилик билан алоқалар департаментига тақдим этишлари керак.

* Мазкур иловада кўрсатилган очiq маълумотларни ишлаб чиқиш, эълон қилиш ва ижро этилиши устидан назорат қилишга масъул бўлган таркибий тузилма ходимлари бошқа ишга ўтган тақдирда, ушбу вазифаларини бажаришга ушбу лавозимга янги тайинланган ходимлар масъул ҳисобланади.

* Давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар эълон қилинмайди.